

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА РИНДОНА МАЪНО ВА
ЛИРИК ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Асадов Максуд Хусенович

Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қахрамон
характери..... 3

Асадов Максуд Хусенович

Значение риндона (вино и свободомыслие) и характер лирического героя в
узбекской классической поэзии 21

Asadov Maksud Husenovich

Rindona meaning (related to the nature of may (wine) and freedom of mind)
and the nature of lyric character in Uzbek classic poetry.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА РИНДОНА МАЪНО ВА
ЛИРИК ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil.3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Қудратуллаев Ҳасан Самадович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев

илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ шеърятининг хилма-хил мавзулари орасида муҳим ўрин тутган риндона шеърларнинг шаклланиш тарихини асослаш, тадрижий такомилени аниқлаш, ғоявий-бадий хусусиятларини тавсифлаш, тимсоллар тизимини таҳлил қилиш, уларнинг мумтоз адабиётдаги тарихий тараққиётини очиб бериш, лирик қаҳрамон – ринд характерининг ўзига хослигини далиллаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар муҳим назарий аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришилгандан сўнг адабиётшуносликда ҳар бир сўз, тушунча ва тимсолни бадий матн талабидан келиб чиқиб тадқиқ қилишга, уларни баҳолашда нафақат ифода тарзи, тасвир имконияти, балки маъно қатламига сингиб кетган диний, маърифий, тасаввуфий фикр-кечинмаларга ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. Шунинг учун ҳам бошқа анъанавий мавзуларга нисбатан моддий ҳаётга ниҳоят даражада яқин, жонли турмуш нафаси уфуриб турган, кўпинча ижодкор таржимаи ҳоли, у яшаган тарихий-ижтимоий муҳит ҳақида ўқувчида ёрқин тасаввур уйғота оладиган, ахлоқий, таълимий, ирфоний мазмунларни ифодаловчи риндона шеърларнинг XII – XV асрнинг I ярми ўзбек адабиётида яратилган намуналарини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, уларнинг тарихий такомилени ўзбек халқининг миллий-руҳий дунёси, асрлар давомида шаклланган маънавий-маданий қадриятлари, урф-одатлари, кундалик турмуш тарзи билан боғлиқликда очиб бериш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир.

Бу мавзуни атрофлича ўрганиш, энг аввало, жаҳон адабиёти, хусусан, Шарқ шеърятининг ҳаёт ва инсон тақдири билан боғлиқ томонларини янада кенгроқ мушоҳада қилиш, сўз санъатининг таъсир қуввати ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, тарих мулкига айланган урф-одат, ижтимоий-маданий қадриятлардан сабоқ олишга яқиндан ёрдам беради. Зеро, бадий адабиёт инсоннинг «маънавий оламини кашф этадиган» қудратли восита бўлиб, «азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади»¹. Риндона шеърлар ҳам халқнинг ўй-қарашлари, орзу-умидлари, миллий поэтик тафаккури, маънавий қиёфасини акс эттириб, инсон қалбида ҳаётга муҳаббат ва яшаш завқини кучайтиришга хизмат қилган ўзига хос ижод намуналаридир. Бу эса уларнинг маъно, образ, мажоз олами, тасвир йўли ва воситалари, хусусан, XII – XV асрнинг I ярми ўзбек мумтоз шеърятини яратилган мазкур намуналарни монографик тарзда тадқиқ қилиш, ўз навбатида, дунё илм-фанини бундан хабардор этиш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, риндона маъно ифодалаган шеърларнинг ўзбек мумтоз шеърятини тутган мавқеи, характерли жиҳатлари ҳақида янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадор-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 136–137.

лигини ошириш тўғрисида»ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида»ги қарорлари, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётида риндона шеърларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, образлар олами поэтик сўз санъатининг ўзига хос имкониятларини очиб беришда алоҳида мавқега эга бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида уларнинг муҳим хусусиятлари ҳозирга қадар махсус тадқиқот объектига айланмаган. Ҳолбуки, туркий шеърятда риндона шеърларнинг шаклланиши, тараққиёт тарихи, уларнинг мумтоз адабиётимизда тутган ўрни ва бошқа кўпгина жиҳатларини ўрганиш адабиётшуносликда ўз ечимини кутаётган назарий муаммолардан биридир.

Шунга қарамай, риндона шеърлар бир қатор олимларнинг диққатини жалб этган ва у ҳақда жаҳон адабиётшунослигида кўпгина фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, форс-тожик адабиёти бўйича махсус изланишлар олиб борган А.Кримский, Е.Э.Бертельс, Ян Рипка, М.-Н.Османов, А.Мирзоев, Р.М.Алиев, А.Н.Болдирев, А.Абдуллаев, И.С.Брагинский, М.Л.Рейснер, Н.Ю.Чалисова, Т.Н.Мардонилар¹, араб шеърятини тадқиқ этган И.Ю.Крачковский, И.М.Фильштинский, И.Ҳавий, Б.Я.Шидфар, А.Б.Куделин, О.Б.Фролова, К.Т.Осипова, Ж.С.Мейсами каби олимлар²нинг ишларида риндона шеърлар ҳақида фикрлар баён қилинган.

¹ Қаранг: Крымский А.Е. История Персии, её литературы и дервишской теософии. I том. – М., 1915. – 217 с.; Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. – М.: Восточная литература, 1960. – 561 с.; Рипка Ян. История персидской и таджикской литературы. – М: Прогресс, 1970. – 445 с.; Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX – X вв. – М.: Наука, 1974. – 269 с.; Мирзаев А. Рудаки и развитие газели в X-XV вв. – Сталинобод: Таджикгосиздат, 1958. – 72 с.; Абдуллоев А. Адабиёти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI. – Душанбе: Дониш, 1979. – 283 с.; Алиев Р.М., Османов М.-Н. О. Омар Хайям. – М.: Наука, 1959. – 143 с.; Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. Избранные работы. – М.: Наука, 1972. – 524 с.; Шу муаллиф. Абу Абдуллах Джафар Рудаки. – М.: Наука, 1989. – 135 с.; Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X – XIV века). – М.: Наука, 1989. – 221 с.; Чалисова И.Ю. Вино – великий лекарь. К истории персидского поэтического топоса // Вестник РГГУ, 2011. – № 2 (63). – С. 126-157; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество персидско-таджикских поэтов IX – XII в: Автореф.на соис. ...док.филол.наук. – Душанбе, 2006. – 60 с.

² Қаранг: Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том II. – М.: Наука, 1956. – 702 с.; Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965. – 300 с.; Шу муаллиф. История арабской литературы. V – начало X века. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1985. – 523 с.; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI – XII вв). – М.: Наука, 1974. – 252 с.; Шу муаллиф. Абу Нувас. – М.: Наука, 1978. – 232 с.; Ҳавий И. Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти. –

Ушбу тадқиқотлар орасида, хусусан, К.Т.Осипованинг «VI – IX асрлар араб мумтоз шеърлятида май мавзусидаги шеърлар (хамрият)» номли тадқиқоти қадимги араб адабиётида яратилган хамриятларнинг ўзига хослиги, уларда қўлланган поэтик образлар ва ижодкор дунёқарашининг характерли жиҳатлари илмий асосланганлиги билан ажралиб туради.

Академик И.Ю.Крачковскийнинг «Араб шоири ал-Ахтал ижодида май мавзуси» номли махсус мақоласи эса табиий майнинг хусусиятлари, унинг ранглари, навлари, май идишлари каби масалалардан баҳс юритилганлиги билан аҳамиятлидир¹. Май, қадах, майхона каби поэтик тимсолларнинг ўзига хос талқин ва таҳлили Шидфарнинг «Абу Нувос» монографияси, А.Мирзоевнинг Рудакий ҳақидаги тадқиқоти, Р.М.Алиев ва Н.М.Османовларнинг «Умар Хайём», З.Ахрорийнинг «Мушфикий» номли китобларида ҳам акс этган². И.Ҳавийнинг «Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти» номли монографияси хамрият жанрининг риндона шеърлар тараққиётидаги мавқеи хусусида фикр юритилганлиги билан, айниқса, диққатга молик.

Риндона шеърларга доир қайд ва маълумотлар А.Тарлан ва Р.Жаним каби турк олимларининг тадқиқотларида ҳам учрайди³. Ўзбек адабиётшунослари М.Шайхзода, Ш.Шомухамедов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Э.Очиловларнинг ишларида риндона шеърлар ҳақида баҳс юритилган⁴. Улар орасида, хусусан, М.Шайхзода, А.Ҳайитметов ва Ё.Исҳоқовларнинг тадқиқотлари эътиборга лойиқдир. Чунки уларда, биринчидан, риндона шеърларнинг ғоявий-бадий олами анча кенг ёритилган бўлса, иккинчидан, Навоийнинг бу борадаги тарихий хизматлари илмий асосланган.

Диссертацияни ёзишда ўзбек ва чет эл адабиётшуносларининг номлари қайд этилган тадқиқотларига таянилди ва зарурият даражасида улардан фойдаланилди.

Байрут, 1975. – 473 б (араб тилида).; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. – 264 с.; Фролова О.Б. Поэтическая лексика арабской лирики. – Ленинград: Ленинград. ун., 1987. – 176 с.; Осипова К.Т. Винные стихи (хамрийят) в арабской классической поэзии VI-IX вв (генезис и эволюция): Дисс. ...канд.филол.наук. – М., 2007. – 137 с.; Интернет маълумоти: [pdf] Meisami J.S. Structure and meaning in medieval Arabic and Persian lyric poetry // <https://dijap4.custom-media.com/read-online-structure-an-m..> (29.09.2016).

¹ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том II. – М.: Наука, 1956. – С. 424–453.

² Қаранг: Шидфар Б.Я. Абу Нувас. – М.: Наука, 1978. – 232 с.

³ Қаранг: Ali Nihad Tarlan. Şeyhi divanını tedkik. – Istanbul, 1964. – 642 s.; Canim R. Türk edebiyatında sakinameler ve işratname. – Ankara: Akçağ yayınları, 1998. – 170 s.

⁴ Шайхзода М. Асарлар. VI томлик. IV том: Ғазал мулкининг султони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.; Шомухамедов Ш. Гуманизм – абадийлик ялови. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 231 б.; Шу муаллиф. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – 200 б.; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 247 б.; Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 271 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 445 б.; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – 295 б.; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – № 1. – Б.16-23; Шу муаллиф. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.; Шу муаллиф. Низомий ва соқийнома жанри / Ганжалик даҳо. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – Б. 15-18; Ҳаққулов И. Камол эт касбким... – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 240 б.; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – 197 б.; Очилов Э. Бир ховуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 240 б.

Мазкур тадқиқот май поэтик тимсоли билан боғлиқ образли тушунчаларнинг қадимий илдизлари, уларнинг риндона шеърлар шаклланишидаги ўрни, шунингдек, риндона шеърларнинг тарихи, моҳияти, образ ва рамзлар тизими, XII – XV асрнинг I ярми ўзбек адабиётида яратилган риндона шеърлар ва лирик қаҳрамон – ринд характерининг ўзига хос хусусиятлари монографик тадқиқ этилганлиги билан ўзидан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда ФА-Ф1-Г039 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» (2012 – 2016 йй.), ЁФ1-ФА-1-21136 «Анъанадаги тадрижийлик ва ижодий янгиланиш тамойиллари» (2013 – 2015 йй.), ОТ-Ф1-77 «Ўзбек адабиёти дурдоналари» (2017 – 2020 йй.) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз адабиётидаги риндона шеърларнинг шаклланиш омилларини аниқлаш ҳамда тарихий тараққиёти, ғоявий-бадиий олами ва лирик қаҳрамон – ринд характерининг муҳим хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

риндона шеърларнинг юзага келиши, тарихий асослари ва тараққиёт тамойилларини тадқиқ этиш;

риндона шеърларнинг араб ва форс-тожик адабиётидаги мавқеини ўрганиш;

риндона шеърларнинг туркий халқлар миллий-руҳий дунёси, маданий-маънавий қадрият ва урф-одатлари билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш;

XII – XV асрнинг I ярми туркий шеъриятда яратилган риндона шеърларнинг поэтик хусусиятлари, образлар олами ва лирик қаҳрамон – ринд характерининг муҳим жиҳатларини очиқ бериш;

май, қадах, майхона каби поэтик тимсоллар ёритилган шеърларнинг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида алоҳида босқич бўлганлигини номалар ва лирик асарлар орқали асослаш;

риндона шеърларнинг поэтик мукамаллиги, композицион бутунлиги, семантик-стилистик тузилмаси ва эмоционал тасвир усулининг ўзига хослигини очиқ бериш;

лирик қаҳрамон эстетик идеали, руҳий-маънавий дунёсининг қамрови, қолаверса фикр-саъжияси, савиясининг риндона шеърлар мазмун-моҳияти, поэтик табиати, бадиий тасвир имкониятлари билан боғлиқлигини далиллаш;

XII – XV асрнинг I ярми ўзбек шеъриятида риндона шеърларнинг ифода имкониятлари ва бадиий-эстетик тамойилларининг характерини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, номалар, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Гадоий, Саккокий, Лутфий каби шоирларнинг девонлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини XII – XV асрнинг I ярми ўзбек адабиётида яратилган риндона шеърлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

риндона шеърларнинг тараққиёт тамойиллари, образлар тизими, ғоявий-бадий хусусиятлари, тасвир кўлами, ифода усули ва лирик қаҳрамон характери очиб берилган;

риндона шеърларнинг юзага келишида Шарқ халқларининг диний-мифологик тушунчалари, ижтимоий-маиший турмуш маданияти, урф-одат ва маросимлари, уларнинг бадий ижоддаги аҳамияти ҳамда эстетик хусусиятлари исботланган;

қадимги араб ва форс-тожик шеърлятидаги хамриятларнинг ўзбек мумтоз адабиётида риндона шеърлар такомлидаги мавқеи аниқланган;

Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, туркий шеърлятда XV асрнинг I ярмига қадар яратилган риндона мазмундаги алоҳида мисра, байт ва шеърларнинг бадий ўзига хослиги далилланган;

риндона шеърларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ифода имкониятлари, образ ва тимсоллар олами, тарихий ва бадий хусусиятлари асосланган;

риндона шеърларнинг ўзбек мумтоз шеърлятида фаоллашув микёси ва даражасининг ижтимоий сабаблари, эстетик мезонлари очиб берилган;

лирик қаҳрамон дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфасининг риндона шеърларнинг мазмун-моҳияти, поэтик табиати, бадий тасвир принциплари билан боғлиқлиги асосланган;

XII – XV асрнинг I ярми ўзбек адабиётида яратилган риндона шеърларнинг ўзига хослиги, муштарак ва фарқли жиҳатлари, ғоявий-бадий хусусиятлари ҳамда лирик қаҳрамон характери масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

риндона шеърларнинг вужудга келиши, тарихий такомли, маъно-моҳияти ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

риндона шеърларда ифодаланган ғоялар бугунги кун ўқувчисининг дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомлида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалар ҳамда луғатлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида риндона шеърлар, уларнинг поэтик табиати, рамз ва тимсоллар тизими, мажоз олами, мазмун-моҳияти

юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Риндона шеърларнинг генезиси, тарихий такомил, бадиияти ва ўзбек адабиётида тутган муҳим ўрни ҳақидаги қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, риндона шеърларнинг пайдо бўлиш асослари, унинг халқ оғзаки ижоди, миллатнинг ижтимоий, маиший турмуш маданиятига бевосита алоқадорлиги, Шарқ адабиётида яратилган риндона шеърларнинг қиёсий аспектда ўрганилиши, уларнинг назарий масалаларига оид қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Риндона шеърларнинг генезиси, поэтик хусусиятлари, образлар табиати ва лирик қаҳрамон характерини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

ўзбек мумтоз адабиётида яратилган риндона шеърлардаги поэтик тимсолларнинг кўчма, мажозий маъноларининг ифода имкониятлари ва ғоявий-бадиий хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини асослаш билан боғлиқ илмий хулосалар ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007 – 2011) фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Навоий асарлари луғати» қисмини (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФТК-0313/930-сон маълумотномаси) тайёрлашда қўлланган. Натижада уларнинг ўзбек тили лексикасининг тараққиёт тамойилларини кўрсатиб беришдаги аҳамияти илмий далиллар асосида ўз исботини топган;

риндона шеърларда қўлланган бадиий образларнинг характерли белгилари, асосан, май тайёрлаш учун мўлжалланган *куп, хум, сабу, ибриқ*; май ичиш учун ишлатиладиган *жом, аёғ, пиёла, паймона, соғар*; май ичиладиган жой маъносида қўлланган *майхона, дайр, харобот*; май қуювчи ёки даврани бошқарувчи кишини англаган *соқий, аёқчи*; базмларга куй ва кўшиқ билан файз олиб кирган *мутриб, муганний* ҳамда *майпараст*, яъни *ринд* каби 40 га яқин поэтик атамаларнинг шеърий матн таркибидаги метафорик – кўп қиррали маъносини изоҳлаш учун фойдаланилган. Илмий натижаларнинг жорий қилиниши Навоий ижодидаги барча сўзларни қамраб олган мукамал «Навоий асарлари луғати»ни тузиш, шунингдек ўзбек мумтоз адабиётининг поэтик образлар табиати, риндона шеърларда қўлланган тимсол-тушунчаларнинг шоир дунёқараши, маънавий олами, лирик қаҳрамон характерининг ўзига хос хусусиятларини ёритишдаги аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та республика конференциясида, хусусан, Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан Гулистон давлат университетиде ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси (Гулистон, 2011); Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20

йиллигига бағишланган анъанавий илмий анжумани (Тошкент, 2011), 2 та халқаро конференцияда, хусусан, «Uluslararası dünya dili türkçe sempozyumu» (Ankara, 2012), «Türk xalqlari ədəbiyyati: mənşəyi, inkişaf mərhələləri və problemləri» (Bakı, 2015) сингари илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган 138 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Шарқ адабиётида риндона шеърларнинг генезиси ва тараққиёт омиллари» деб номланган биринчи бобида риндона шеърларнинг генезиси, тараққиёт босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Адабиёт тарихида риндона шеърларнинг шаклланиши ва тараққиёт тарихи масаласи етарлича ёритилмаган. З.Мўътаман, И.Пала, Ж.Ерделен, Б.Я.Шидфар каби олимлар¹ риндона шеърлар илк бор араб адабиётида яратилган, деб ҳисоблайдилар. И.Ҳавий ва Ф.Сулаймонова²ларнинг ишларида Шарқ шеърлятига уларнинг юнон адабиёти таъсирида кириб келганлиги айтилган. Ф.Зехний, М.Л.Рейснер, Е.Г.Яковлев, Н.Ю.Чалисова, Ф.Азизова каби олимлар³нинг фикрига кўра, риндона шеърларнинг дастлабки намуналари форс-тожик адабиётида учрайди. Бобда бу қарашларга муносабат билдирилиб, риндона шеърларнинг тараққиёт тамойиллари илмий асослаб берилган.

¹ Мўътаман З. Шеъри адабий форсий. – Техрон: Тобиш, 1332 х/ш. – 244 с.; Pala I. Ansiklopedik Divan Şiiri Sözlüğü. – Istanbul: Kapı yayınları, 2006. – 637 s.; Yerdelen C. Saki-name // Azmi-zade Haleti. Saki-name. – Erzurum, 1998. – 59 s.; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв). – М.: Наука, 1974. – 252 с.

² Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 36.

³ Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X – XIV века). – М.: Наука, 1989. – 221 с.; Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. – М.: Высшая школа, 1985. – 287 с.

Риндона характердаги шеър ва кўшиқлар араб адабиётида хамрият жанрини ҳосил қилган. Адабиётшуносликда хамрият икки асосга кўра, яъни араб адабиётидаги май васф этилган шеърлар ва форс-тожик халқлари қадимий маданиятининг Араб халифалиги маданий-маиший турмуш тарзига бевосита таъсири орқали ривожланганлиги айтилади¹. И.Хавийнинг ёзишича, хамрият жанрининг юзага келишида юнон адабиётидаги Дионис шарафига куйланган мадҳиялар таъсир кўрсатган. Дарҳақиқат, қадимги юнон мифологиясига кўра, Дионис узумчилик ва май маъбудиди саналган. Шунингдек, Дионис қанотлар ҳомийси ҳамдир. Қушлар қанотлари ёрдамида осмонга кўтарилгани каби инсон қалби ҳам маънавий шароб туфайли кўкка парвоз этади, яъни эркинликка, хурликка эришади деб ишонилган².

Мумтоз шеъриятда риндона шеърларнинг юзага келиши, аввало, май образининг Шарқ халқлари турмуш маданияти, маънавий-руҳий дунёси, диний тушунча ва тасаввурларидаги ўзига хос ўрни ҳамда аҳамияти билан узвий боғлиқ. А.Ҳайитметов фикрича, май мавзусидаги шеърлар форс-тожик тилида гаплашувчи халқларнинг исломгача бўлган зороастризм дини ва урф-одатларига бевосита дахлдор³. Қадимги даврлардан бошлаб форс-тожик тилида сўзлашувчи халқлар орасида узум ва шаробда инсон дунёкараши, ҳиссий ва фикрий оламини кенгайтирувчи сеҳрли куч бор, деган қараш мавжуд бўлган⁴. Наврўз, Мехржон, Сада байрамлари, айниқса, Ой маъбудини шарафлаб ўтказилган Гоҳонбароқ номли май базмларида узум ва майнинг ҳаётбахш фазилатларини улуғловчи кўшиқлар ижро этилган. Бундан салкам уч минг йил илгари яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ушбу фикрларнинг исботини кўриш мумкин. Чунончи,

*Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи,
Бор овозда дуо қиламан.
Ибодатлар келтирадирман
Қўл етмас ул Ҳуварнога мен.
Ҳаоманинг шарбати билан
Эъзозлайдирмиз
Етиб бўлмас ҳамда илоҳий
Ҳуварнони биз...⁵*

Шеъринг парчада тилга олинган ичимлик – «ҳаома шарбати»⁶, асосан, мажозий, кўчма маъноларни ифодалаб, кишига ҳаётининг лаззат ва илоҳий завқу

¹ [pdf] Meisami J.S. Structure and meaning in medieval Arabic and Persian lyric poetry // <https://dijap4.custom-media.com/read-online-structure-an-m..> (29.09.2016).

² Қаранг: Иванов В. Дионис и прадионисийство. – Баку, 1923. – 303 с.; Фрезер Дж. Золотая ветвь. I том. – М.: ТЕРРА, 2001. – 286 с.; Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 18.

³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 141-142.

⁴ Қаранг: Чалисова И.Ю. Вино – великий лекарь. К истории персидского поэтического топоса // Вестник РГГУ, 2011. – № 2 (63). – С. 126-157.

⁵ Авесто (Форс тилидан Асқар Маҳкам таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 220.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Чунакова О.М. Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифических персонажей и мифологических символов. – М.: Восточная литература, 2004. – С. 158; Дьяконов И.М. История Мидии. – М.: Литература, 1961. – С. 145; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 108; Алибайзода Э. Озарбайжон адабиёти тарихи (энг қадимги даврлар). – Баку, 2009. – Б. 314-319; Интернет маълумоти: [pdf] Modi J.J. Naoma in the Avesta // Journal of the Anthropological Society of Bombay, 1904. No 7 // www.crossasia-repository.ub.uni-heidelberg.de (23.05.2016).

шавқ бағишловчи тимсол сифатида тавсифланган. Айрим маълумотларга кўра, «қайноқ шарбат» маъносини англаган *май* сўзи ҳам аслида «Авесто»даги *мадх* сўзидан пайдо бўлган¹. Аббосийлар даврида араб халифалари сосоний ҳукмдорларнинг урф-одатлари, байрамлари, шоҳона базмлари ва уларда ижро этилган куй-кўшиқларни қайта жонлантириш орқали «Авесто»да тасвирланган анъаналарни давом эттирганлар. Шоҳона базмларда куйланган мадҳиялар бевосита «Авесто»даги ҳаома култи билан боғлиқдир. Май мавзуси ифодаланган шеърӣ жанр – «хамрийят» калимасининг асоси араб тилидаги «хамара» сўзидан олинган бўлиб, у бевосита «ҳаома» таъсирида ҳосил бўлган². Аслида «хамара» ва «ҳаома» сўзларининг маъноси бир хил – «май тайёрлаш» демакдир³. Асосан, мажозий маъноларни ифодалаб, кишида кенг дунёқараш, теран фикр уйғотувчи, ҳаётӣ лаззат ва илоҳӣ завқу шавқ бағишловчи рамзий тимсол сифатида характерланган «ҳаома шарбати»ни мумтоз шеърӣдаги май поэтик образининг илк кўринишларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Илмда мумтоз шеърӣда риндона шеърларнинг тараққӣ этишига Рудакийнинг «Май онаси» қасидаси асос бўлганлиги айтилади⁴. Дарҳақиқат, Наср II Аҳмад Сомонийнинг Сейистон ҳукмдори амир Абу Жаъфар шарафига уюштирган зиёфати муносабати билан ёзилган ушбу шеърда майнинг тайёрланиши ва шоҳона май базми бадий тасвирланган⁵. Рудакийнинг издошлари Анварий, Масъуд Саъд Салмон ва Фаррухийлар ижодида ҳам «Қасидаи хамрия», яъни «Май қасида»лари мавжуд. Шунингдек, Ибн Сино, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий каби форс-тожик адабиётининг буюк вакиллари ижодида риндона шеърлар алоҳида бир тарзда яратилган. Бобда мазкур фикрлар ёрқин мисоллар билан далилланган.

Ўзбек адабиётида эса риндона шеърлар, аввало, халқ оғзаки ижодида учрайди. Уларнинг энг қадимги намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган. Масалан,

*Оттуз ирӣб қӣқралӣм ,
Јақар қабуб сәкралӣм ,
Арсланлају кӯкралӣм,
Қочтӣ лақӣнч сәмуалӣм .*

(Маъноси: Уч қайтадан ичайлик, тикланиб арслон каби наъра тортайлик. Қайғу-алам биздан йўқолганини кўрсатайлик⁶).

Тўртликдаги «уч қайтадан ичмоқ» тушунчаси туркий халқларнинг қадимги анъанасига ишора қилган. Бобда бу ҳақиқат Фитрат, Е.Г.Яковлев, А.Абдуғафуров, С.Жумаева каби олимларнинг ишларига таяниб ёритиб

¹ Интернет маълумоти: Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // www.wayter.wordpress.com (08.09.2016)

² Азизова Ф. Литературное посредничество как система в арабском халифате. – Баку: Элм, 2009. – С. 203.

³ Азизова Ф. Арабизированные авторы в эволюции арабской классической поэзии. – Баку: Элм, 2009. – С.101.

⁴ Зехний Ф. Жанри сокийнома дар адабиёти форсу тожики асрҳои XIII – XV. – Душанбе: Дониш, 1991. – С. 9.

⁵ Тарӣх-и Сӣстан (История Сӣстана). – М.: Восточная литература, 1974. – С. 303-309.

⁶ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 160.

берилган. Фитрат «Махмуд Кошғарий баъзи турк кабилалари орасида яшағанда уларнинг «ўттуз қайта ичайлик» деб учар пиёладан ичканларин кўрган», деб ёзади¹. Мумтоз шеъриятда ҳам «уч қайта ичмоқ», «тўққиз қайта ичмоқ», «ўттиз марта ичмоқ» каби иборалар кенг қўлланган. А.Абдуғафуровнинг кўрсатишича, мазкур тушунчалар ўрта асрларда ҳам туркий халқлар орасида мавжуд бўлган «тўра ойини» одати билан боғлиқ. Бу қоидага кўра, май ичганда, қадахнинг тагида бир томчи май қолса, тўққиз қадах, агар оқадиган миқдорда май қолдирилса, ўттиз қадах жарима қуйилган². «Девону луғотит турк»да келтирилган «уч қайтадан ич»моқ бирикмаси «тўра ойини»га ўхшаш қоиданинг жуда қадимги даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Ўзбек халқ кўшиқларида эса риндона шеърларнинг мундарижаси янада кенгайиб, ишқий мавзудаги шеърлар билан ўзаро уйғунлашган.

*Ишқ ўтида ёна-ёна,
Гул юзим сўлди, найлайн.
Ўртади доғи ҳижрона,
Паймона тўлди, найлайн³.*

Паймона, аслида, сув ёки май ичиш учун мўлжалланган идиш. У қадимги пахлавий тилидаги ўлчов, меъёр, чегара мазмунларини билдирувчи *пай* ва *ма* сўзларидан ҳосил қилинган⁴. Халқ орасида бугунги кунгача кенг қўлланувчи «паймона тўлди» ибораси бу ҳаёт билан видолашган, ўлим билан юзлашган марҳум кишига нисбатан ишлатилади. Мазкур тўртликда ҳам ёр висолига ташна ошиқнинг ҳолати «паймона тўлди» ибораси орқали таъсирчан чизилган. Шу тариқа, май шеъриятда ўзининг моддий, ичимлик маъносидан бир қадар узоқлашиб, севги-муҳаббат кечинмаларини ҳам ифода этувчи ўзига хос бадиий образ мақомига юксалган.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, ўзбек адабиётида риндона шеърларнинг дастлабки илдизлари халқ оғзаки ижодига, айниқса, «Алпомиш» достонидаги «шароби антахур», «Гўрўғли» достонидаги «сафар коса», Сокибулбул тимсолларига бориб тақалади. Риндона тасвир унсурлари туркий халқларнинг бўзахўрлик билан боғлиқ «яса-юсун» маросими ва «Кунтуғмиш» достонида ҳам ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг «Мавзу, образ ва тасвирдаги янги ланишлар» деб номланган иккинчи бобида XII – XV асрнинг I ярми ўзбек адабиётида риндона шеърларнинг илк кўринишлари ҳамда тараққиёти масалалари тадқиқ қилинган.

XII – XV асрнинг I ярми ўзбек шеъриятида риндона шеърларнинг дастлабки намуналари Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Хўжандий, Саййид Аҳмад, Юсуф Амирий, Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби ижодкорлар шеъриятида учрайди. Жумладан, бобда мазкур давр адабиёти билан боғлиқ қуйидаги жиҳатлар ёритилган: а) Аҳмад Яссавий

¹ Қаранг: Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 41.

² Абдуғафуров А. Тўра ойини била.. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 2. – Б. 22-25.

³ Шода-шода марварид (Ўзбек халқ кўшиқлари). – Тошкент: Шарк, 2006. – Б. 239.

⁴ Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // www.wayter.wordpress.com>2011/12 (08.09.2016)

ҳикматларидаги риндона маъно ифодалаган поэтик тимсоллар таҳлил қилинган; б) номалардаги шеърий парчаларнинг риндона шеърлар тараққиётида тутган мавқеи очиб берилган; в) лирик шеърлардаги риндона тасвир микёсини кенгайтирган образларнинг ўзаро фаркли ва муштарак жиҳатлари текширилган.

Май образининг кўчма, рамзий мазмунларни ифода этиши, аввало, Шарқ халқларининг исломий эътиқоди ва мумтоз адабиётга тасаввуфий фикр-туйғуларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Бобда бу қарашлар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Носируддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Хоразмий ижодидан келтирилган мисоллар воситасида далилланган.

Ислом дини ғоялари, мусулмон ахлоқи тамойиллари, қолаверса, тасаввуф таълимоти Шарқ халқлари маънавий ҳаёти, руҳий дунёсининг ўзгариши, моддий борлиққа муносабати, жамият ва турмуш маданиятини белгилашда муҳим омил бўлдики, бу адабиётда, айниқса, риндона шеърларда ўз аксини топди. Май тасаввуф адабиётида тариқат босқичлари, шунингдек, бу йўлга кирган солиқнинг ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода этувчи рамзий тимсолдир. «Узум майи – Оллоҳни эслаш (зикр), соқий – Ҳақ рамзи, май базми эса бирлик, ягоналик, яъни тавҳид»ни тамсил қилади¹. Ўзбек мумтоз адабиётида бундай мазмундаги шеърлар дастлаб Аҳмад Яссавий ижодида алоҳида босқични ташкил қилган. Масалан,

Ваҳдат хуми очилди, майхонага кирсам мен,

Бир жом ичиб шул майдин масту ҳайрон бўлсам мен².

Тасаввуф истилоҳи сифатида хум битмас-туганмас маърифат кони бўлмиш ориф инсоннинг қалбини англатади. Майхона эса, «илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир»³. Маълум бўладики, Яссавий ҳикматларида соф тасаввуфий мазмунларни ифода этган тимсоллар ўзбек адабиётида риндона шеърларнинг поэтик образлар табиатига алоҳида таъсир кўрсатган.

Мумтоз шеъриятимизда риндона шеърларнинг илк ўзига хос намуналари номалар таркибида учрайди. Улар асосида кўнгилни ҳамиша ёр муҳаббати, унинг фикру хаёли билан боғлаш, бу дунёнинг бетакрор манзараларидан завқланиш, инсон умрининг боқий эмаслиги, шу сабабли, уни шоду хуррамликда, хурсандчиликда ўтказиш каби мазмунлар ётади. Шеърий парчаларда фикрни ўқувчига мурожаат эмас, соқийга хитоб шаклида баён этиш асарнинг бадиий қимматини оширибгина қолмай, унинг таъсирчанлигини ҳам кучайтиради.

Кел, эй соқий, майи гулранг қил нўш,

Йигитлик мавсумин қилма фаромуш⁴.

Туркий адабиётда риндона кайфият улуғланган шеър ва байтлар Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби йирик сўз санъаткорлари

¹ Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // www.wayter.wordpress.com>2011/12 (08.09.2016)

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 226.

³ Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 х. – С. 92.

⁴ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. II жилдлик. II жилд (XIV – XV асрнинг бошлари) (Тузувчи, изох ва шарҳлар муаллифи ф.ф.д., проф. Насимхон Раҳмон). – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 170.

ижодида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Аммо номанавис шоирлардан фарқли равишда улар ижодида май ва ишқ мавзулари ҳар доим уйғун ҳолда тасвирланган. Ёр гўзаллиги, ошиқнинг кайфияти, унинг рақиб ёки аёрга муносабати, рашк ва ҳижрон кабилардан баҳс юритилган ишқий ғазалларда майга алоқадор образлар асосий фикрни юзага чиқарувчи восита, шоир поэтик маҳоратининг ўзига хос ифодаси бўлиб келади.

*Лаблари қанду гулобу сўзлари шаҳду шароб,
Ғамзаси мастона, ул кўзи хуморимга салом¹.*

Риндона шеърларнинг образлар таркибини соқий, аёқчи, муғанний, мутриб, пири муғон, қадах, жом, соғар, аёғ, пиёла, паймона, май, шароб, бода, чоғир, бўза, майхона, майкада, харобот, ринд, дурд, қуйқа, журъа, саркут, хум, куп, суроҳи, кўза, шиша, базм, мажлис, нуқл, газак каби қатор тимсоллар ташкил қилади. Тадқиқотда улар шеърий мисоллар билан асосланиб, маъно-мазмунни очиб берилган. Жумладан,

*Бир журъани бу хаста қулинг ёдина қил нўш,
Ул дамки эрур Зухрау гул мутрибу соқинг².*

Шоир учун илҳом манбаи бу – ҳаётнинг ўзи эканлиги маълум. Шу сабабли, шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғулари, сезги-кечинмаларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи образ, тушунча ва истилоҳларнинг ҳам моддий асоси, реал манбаси мавжуд. Жумладан, журъанинг ҳам. Аслида у “қадахдаги ичимликни бир мартада, яъни бир ҳўплам ёки бир култумда ичиш деганидир. Исломдан олдинги даврларда қабристонда шаробнинг бир журъасини ерга тўкиш билан ўтганлар, марҳум кишилар хотирланган”лиги ҳақида манбаларда айтилган. Маърифий адабиётда ҳам журъа “ёрнинг бетоқат қилувчи ёди”ни билдиради³. Сажжодийга кўра, у “сайр мақомики, солиқ уни излаб топа билмоғи керак, яъни журъа солиққа номаълум қолиб кетган сир-асрорлар ва мақомотларни англатади”⁴. Шунингдек, мумтоз шеъриятда журъа “руҳнинг турли даражаларини кўрсатиб, борликдаги ҳар бир заррада Ҳақ тажаллиси мавжудлигига ишора”⁵ қилади. Юқоридаги байтда ҳам журъа ана шундай маъноларни юзага чиқаради.

Маълумки, образ ва образлилик бадиий матн таркибидан англашиладиган бадиий-эстетик категориялардир. Чунки сўзларнинг ўзаро мазмунан яқинлиги, фикр, туйғу ва оҳангда бир-бирини тўлдириши фақат матн ичида кечадиган жараёндир. Шу маънода, майга алоқадор образлар ишқий мавзудаги лирик шеърларда ёр гўзаллиги ва ошиқнинг ҳолатини тасвирласа, риндона шеърларда лирик қахрамон – ринд ва унинг кайфиятини ёритади. Бобда ринднинг ҳолати, маънавий-ахлоқий қиёфаси ҳам ёрқин мисоллар воситасида далилланган.

¹ Гадоий девонининг луғати ва матни (Луғатни тузиб, матни нашрга тайёрловчи ф.ф.н. Муҳиббек Рустамов). – Тошкент: Давлат адабиёт музейи, 2007. – Б. 183.

² Лутфий. Девон (Нашрга тайёрловчи Содир Эркинов). – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ўйи, 2012. – Б. 144.

³ Анварий Ҳ. Фарҳанги бузурги сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 3. – Техрон, 1381 х/ш. – С. 2121.

